



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚАТОР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР РАЎБАРЛАРИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 июль куни қатор хорижий давлатлар етакчилари билан телефон орқали мулоқот қилди.

Жумладан, Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин**, Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоған**, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши **Нурсултон Назарбоев**, Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси **Валентина Матвиенко**, Туркменистон Президенти **Гурбангули Бердимухамедов**, Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**, Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**, Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров** билан суҳбатлар бўлиб ўтди.

Улар давлатимиз раҳбарини таваллуд куни билан самимий табриклаб, Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равақ тиладилар.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва демократик янгиланишларнинг янги дастурини амалга оширишдаги муваффақиятлар, халқаро майдонда юртимиз нуфузи мустаҳкамланиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Утган ҳафта Тошкент шаҳрида муваффақиятли ўтказилган Марказий ва Жанубий Осиё боғлиқлигини ривожлантириш бўйича халқаро конференциянинг самарали натижалари юқори баҳоланди.

Икки томонлама ҳамкорлик ва халқаро кун тартибидagi масалалар, шу жумладан, Афғонистон бўйича юзга келаётган вазият муҳокама қилинди.

Россия Президенти Владимир Путин Шавкат Мирзиёев атоқли давлат арбоби, ўз мамлакатининг ҳақиқий етакчиси сифатида юрдошларининг ҳақли ҳурмат-эътирофига ва халқаро майдонда юксак обрўга сазовор бўлганини таъкидлади.

Президентимизнинг мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини, турли йўналишларда сермахсус икки томонлама ҳамкорлиқни ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси бекиёс экани қайд этилди. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан Россия — Ўзбекистон алоқаларининг бутун кўлами янада кенгайишига ишонч билдирилди.

Телефон мулоқоти чоғида Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Олий даражадаги тадбирлар режаси муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал суратлар билан ривожланаётгани, энг аввало, ўзаро товар айирбошлаш барқарор ортиб бораётгани, иқтисодиёт тармоқларида қўшма кооперация лойиҳалари ва маданий-гуманитар алмашинув дастурлари муваффақиятли амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзбекистонда коронавируста қарши вакциналар ишлаб чиқариш бўйича қўшма қувватларни тез фурсатда ишга тушириш муҳим экани таъкидланди.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан суҳбатда икки томонлама кун тартибининг долзарб масалалари юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Президентимизнинг қатъий раҳбарлигида Ўзбекистон ўз минтақасида эришаётган пешқадамлик ролини тобора мустаҳкамлаб бораётганини Туркия катта мамнуният билан кузатаётгани ва бунни қўллаб-қувватлаши алоҳида таъкидланди.

Сиз, Жаноби Олийлари билан орамиздаги самимий дўстлиқни мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик қардошлиқ ришталаридан куч олган яқинлиқнинг бир тимсоли деб биланман ва бундан қувонаман, деб қайд этди Туркия етакчиси.

Кейинги йилларда Ўзбекистон — Туркия кўп қиррали ҳамкорлигининг жадал ривожланишига хизмат қилаётган ўзаро мулоқот ва алмашинувлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Пандемия оқибатларига қарамай, жорий йил бошидан товар айирбошлаш қарийб икки бараварга кўпайди, 230 дан ортиқ янги қўшма корхона ташкил этилди, муҳим маданий-гуманитар дастурлар амалга оширилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар, ҳукуматлар ва парламентлар раҳбарлари, таниқли давлат ва жамоат арбобларидан кутловлар келган.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ўз табрикномасида кейинги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда барча соҳаларда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётгани, Янги Ўзбекистонни барпо этиш жадаллашаётгани ва Хитой бундан чин дилдан хурсанд эканини таъкидлаган.

Хитой етакчиси Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга катта аҳамият қаратаётганини ва уларни икки мамлакат ва халқ фаровонлиги йўлида янада юксак даражага олиб чиқиш учун Президентимиз билан биргаликда қатъий ишлашга тайёр эканини билдирган.

Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин ўз мактубида жорий йил январь ойидаги онлайн саммит натижасида эришилган қилишувлар оғишмай амалга оширилаётганини мамнуният билан қайд этди.

“Мамлакатларимиз алоҳида стратегик шериклик муносабатларини ривожлантиришда давом этмоқда ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг инклюзив яшил тикланиш ва углерод нейтралликка эришиш борасидаги саъй-ҳаракатларига биргаликда қўшилимоқда”, дейилади жумладан мактубда.

Давлат раҳбарлари бўлажак тадбирлар режасини кўриб чиқдилар ҳамда жорий йил якунига қадар мамлакатимизда олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг иккинчи йиғилишини ўтказишга пухта тайёргарлик кўриш муҳим эканини таъкидладилар.

Қозоғистоннинг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев билан мулоқотда Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик шериклик ва кенг кўламли ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Устувор йўналишларда қўшма лойиҳа ва дастурларнинг амалга оширилишини давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Элбоши мамлакатимиз етакчисининг машаққатли меҳнати ва катта сиёсий тажрибаси Ўзбекистоннинг янада равақ топишига, унинг халқаро нуфузи юксалишига хизмат қилаётганини қайд этди.

Бугун Ўзбекистон ўз давлатчилигини жипслаштириш ва мустаҳкамлаш, ўз халқи фаровонлигини ошириш йўлида юксак чўққиларни забт этаётгани таъкидланди. Шу муносабат билан Нурсултон Назарбоев юртимиз Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бундан буён ҳам шиддатли ривожланиши ва катта мақсадларга эришишда давом этишига ишонч билдирди.

Россия Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко билан суҳбатда Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суришга хизмат қилаётган фаол парламентлараро алмашинувлар йўлга қўйилгани мамнуният билан қайд этилди.

Парламентлараро иттифоқ ва МДҲ Парламентлараро ассамблеяси доирасидаги яқин ва конструктив мулоқотни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Матвиенко хоним Президентимиз Шавкат Мирзиёев қарорлар қабул қилишдаги вазмин ёндашуви ва самарали давлат сиёсатини амалга ошираётгани туфайли Ўзбекистонда ва унинг ташқарисида ҳақли ҳурмат-эътибор қозонганини таъкидлади.

“Республиканинг энг янги тарихи Сизнинг номингиз билан чамбарчас боғланган. Сизнинг доно раҳбарлигингизда ижтимоий янгиланишлар йўлидан дадил борилмоқда, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва динлараро тотувлиқни мустаҳкамлаш бўйича муҳим вазифалар ҳал қилинмоқда, қонун устуворлигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Одамлар ва уларнинг келажига доимий ғамхўрлигингиз билан “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади” деган тамойилнинг ҳақиқат эканини амалда исботлаяпсиз”, — деб таъкидлади Россия Федерация Кенгаши Раиси.

Шавкат Мирзиёев ва **Гурбангули Бердимухамедов** Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтиришнинг долзарб масалаларини кўриб чиқдилар.

Туркменистон етакчиси мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги муваффақиятлари, халқаро майдонда ортиб бораётган нуфузи билан эътироф қилинаётган Ўзбекистоннинг замонавий тарихи айнан Шавкат Мирзиёев номи билан чамбарчас боғлиқ эканини таъкидлади.

“Сиз жонажон халқингиз манфаатларини ҳимоя қилишга, умуммиллий мақсад ва дастурларни амалга оширишга ўзингизни бағишладингиз. Ватанга садоқатли хизматингиз юксак эътирофга муносиб”, — деб қайд этди Туркменистон Президенти.

Мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик, энг аввало, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳаларда жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Ҳукуматлараро қўшма

комиссиянинг навбатдаги йиғилишини ўтказишга келишиб олинди.

Президентлар жорий йил 6 август куни “Аваза” миллий туризм ҳудудида ўтказиладиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувига тайёргарлик кўриш масаласига алоҳида тўхталдилар. Бўлажак тадбирнинг кун тартиби ва дастури юзасидан фикр алмашилди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан суҳбатда давлат раҳбарлари икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, энг аввало, уларни янги лойиҳа ва дастурлар билан бойитиш муҳим эканини таъкидладилар.

Президентимиз давлат ва халқ манфаатлари йўлидаги тинимсиз хизмати, сиёсий донишмандлиги ва иродаси билан юрдошларимиз орасида юксак обрўга ва халқаро ҳамжамиятда бекиёс хурматга сазовор бўлгани алоҳида қайд этилди.

Қозоғистон раҳбари Ўзбекистон Шавкат Мирзиёев етакчилигида барқарор тараққиёт ва раванглик таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш, Тошкентнинг халқаро майдондаги имижини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар йўлини давом эттираётганини таъкидлади.

Шунингдек, бўлажак олий даражадаги икки ва кўп томонлама тадбирларга, шу жумладан, август ойининг бошида Туркменистонда ўтказилиши режалаштирилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувига тайёргарлик кўриш масалалари кўриб чиқилди.

Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон билан суҳбатда жорий йилнинг 10-11 июнь кунлари Тожикистон Республикасида расмий ташиф якунлари бўйича қабул қилинган битим ва қилишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Президент Эмомали Раҳмон давлатимиз раҳбари биродар Ўзбекистон Президентидек юксак лавозимда юртимиз барқарор сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини таъминлашга бекиёс ҳисса қўшаётгани ва Ватан раванглиги йўлидаги олий мақсадларга фидокорона хизмат қилишнинг ёрқин намунасини кўрсатаётганини таъкидлади.

“Мамлакатингизда кейинги йилларда рўй бераётган кенг кўламли янгиланишлар Сизнинг номингиз билан боғлиқ. Тожикистон — Ўзбекистон дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшаяпсиз”, — деб қайд этди Эмомали Раҳмон.

Келгуси ой бошида Туркменистонда минтақа давлатлари раҳбарларининг навбатдаги маслаҳат учрашувини ҳамда жорий йил сентябрь ойида Тожикистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитини ўтказишга тайёргарлик масаласи муҳокама қилинди.

Президент **Садир Жапаров** Шавкат Мирзиёевнинг оқилона ва чуқур ўйланган раҳбарлиги туфайли Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турмуш даражаси юксалгани, мамлакат иқтисодиёти янада тараққий этаётганини таъкидлади.

Мамлакатимиз етакчисининг тинимсиз фаолияти натижасида Ўзбекистон халқаро даражадаги нуфузини мустаҳкамлаётгани, яқин ҳамкорлиқни кучайтиришга қўмаклашаётгани қайд этилди.

Қирғизистон раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги минтақавий ҳамкорлигининг мустаҳкамланишига қўшаётган шахсий ҳиссасини юксак баҳолади.

Жорий йил 11-12 март кунлари Тошкент шаҳрида ўтган олий даражадаги Ўзбекистон — Қирғизистон саммити давомида эришилган қилишувларни амалга ошириш муҳим экани қайд этилди. Энергетика, транспорт, машинасозлик, фармацевтика ва бошқа тармоқлардаги қўшма лойиҳаларни жадал илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Қуйидагилар ҳам самимий табриқлар йўллашган: Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси** Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев** Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко** Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси **Михаил Мишустин** Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши Раисининг ўринбосари **Дмитрий Медведев**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазири **Мансур бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби **Сергей Лебедев**

Евроосиё иқтисодий комиссияси хайъати раиси **Михаил Мясникович** Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши бош котиби **Бағдод Амреев**.

Кутловлар келиши давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОННИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБНИ СОДДАЛАШТИРИШ, УНИНГ ШАФФОФЛИГИНИ ОШИРИШ ҲАМДА ИШТИРОКЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯСИНИ КАФОЛАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

“Е-auction” электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукционни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини соддалаштириш ҳамда унификация қилиш, жараёнларнинг очиқлиги ва шаффофлигини ошириш, иштирокчилар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек, аҳолининг аукционда қатнашиши учун қулайлиқлар яратиш мақсадида:

1. 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб “Е-auction” электрон савдо платформасидаги (кейинги ўринларда — электрон савдо платформаси) электрон онлайн-аукционлар тартиб-таомилларининг **ягона тартиби** жорий этилсин ва унга мувофиқ:

иштирокчиларга, шу жумладан, чет эл фуқароларига аукционда қатнашиш учун **электрон рақамли имзо қалити сертификати масофадан туриб**, Давлат активларини бошқариш агентлигининг “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда — Марказ) томонидан **бепул тақдим қилинади**;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан объектларни аукционга чиқариш учун туланадиган **йиғим бекор қилинади**;

аукцион ўтказиш тўғрисидаги хабар у ўтказилган кундан **30 кун** олдин эълон қилинади; аукцион ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб аукцион жараёни якунига қадар иштирокчиларга **бекотни сотиб**

олиш бўйича аукцион қадамига боғланмаган ўз нарх таклифини киритиш ҳуқуқи берилади; сотилган объектнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваригача бўлганда, тўловларни **10 иш куни**, беш минг бараварига тенг ёки ундан ортиқ бўлганда тўловларни **15 иш куни мобайнида** тўлаш имконияти яратилади, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно;

аукцион ғолиби тўловларни тўлашдан бош тортган тақдирда, ғолиб ҳамда унинг тўғридан-тўғри таъсисчилари ҳисобланган шахслар **ноҳалол иштирокчи сифатида** электрон савдо платформасидаги **аукционлардан четлатилади**. Бунда, тўловларни тўламаслик ҳолати биринчи марта содир этилганда **бир йил муддатга**, иккинчи марта такрорланса **муддатсиз даврга** аукционлардан **четлатилади**;

аукционга чиқарилган объектларни сотишга ва олди-сотди шартномасини расмийлаштиришга фақат аукционда камида иккита иштирокчи қатнашганда рухсат берилади.

Белгилансинки, мазкур тартиб қонунчилик ҳужжатлари билан электрон савдо платформаси орқали реализация қилиниши ёки ижарага берилиши белгиланган **барча турдаги активларга** нисбатан татбиқ этилади.

Давоми 2-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ЁРҚИН КЎЗГУСИ

МИНТАҚАЛАРО МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ЭВРИЛИШИ ДЎСТ ХАЛҚЛАР ҲАЁТИГА ФАРОВОНЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК БАХШ ЭТАДИ

MARKAZIY VA JANUBIY OSIYO 2021
15-16 IYUL, TOSHKENT

Ўзбекистоннинг 2017-2021 йиллардаги энг янги тарихи Президентимиз Шавкат Мирзиёевни буюк ислохотчи сифатида дунёга танитди. Бу беш йилликни халқимиз ва халқаро экспертлар ҳақли равишда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган кенг кўламли ислохотларнинг янги даври сифатида эътироф этмоқда.

Давоми 2-бетда

ХУШҲАБАР



ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Мамлакатимизда аниқ ва табиий фанларга қаратилаётган эътибор самараси ўтаётган ҳафтада Ўзбекистон ёшлари эришган ютуқлар тимсолида яна бир қарра ўз исботини топди. Юртимиз вакиллари нуфузли мусобакалар сирасига кирувчи Халқаро математика (IMO), Халқаро биология (IBO), Халқаро физика (IPhO) олимпиадаларида муносиб иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллади.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОННИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБНИ СОДДАЛАШТИРИШ, УНИНГ ШАФФОФЛИГИНИ ОШИРИШ ҲАМДА ИШТИРОКЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯСИНИ КАФОЛАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2. Электрон онлайн-аукцион иштирокчилари ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш мақсадида, белгилансинки:

2021 йил 1 октябрдан бошлаб аукцион натижалари бўйича пул маблағлари Марказнинг махсус ҳисоб рақамида йиғилади ва аукцион ғолиби томонидан объект қабул қилинганлиги тасдиқлангандан сўнг, улар буюртмачи ҳисоб рақамига ўтказилади;

ижро ҳужжатлари бўйича автомобилотранспорт воситаларини реализация қилиш учун ўтказилган электрон онлайн-аукцион натижалари ҳақидаги баённома уни таққидан ечиш, шунингдек, аукцион ғолиби номига рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга қўйиш) учун асос ҳисобланади. Бунда, мажбурий тартибда ундириш учун юборилмаган маъмурий жарималарни тўлаш мажбурияти автомобилотранспорт воситасининг собиқ эгаси зиммасида қолади;

электрон онлайн-аукционни ташкил этиш ва ўтказиш тартибидан ташқари бўлган тартиб-таомилларга риоя қилинмаганлиги учун аукцион натижалари тўғрисидаги баённомани бекор қилиш ёки ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

3. Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг қуйидагиларни электрон савдо платформасидаги электрон онлайн-аукцион йўли билан амалга ошириш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин:

устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, устав фондининг 50 фоизи ва ундан ортиги 50 фоиз ва ундан ортқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахсларнинг (кейинги ўринларда — давлат иштирокидаги корхоналар) улушлари, кўчмас мулклари, автомобилотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини реализация қилиш;

давлат иштирокидаги корхоналар кўчмас мулклари, автомобилотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини ижарага бериш.

Белгилансинки, давлат иштирокидаги корхоналар томонидан:

кўчмас мулкларини ижарага беришда, уларнинг давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари, автомобилотранспорт воситаларини ижарага бе-

ришда жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари миқдориди, бошқа асосий воситаларини ижарага беришда эса Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган амортизациянинг камида йиллик энг юқори нормаси суммаси миқдориди белгиланади;

кўчмас мулклари, автомобилотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини ижарага бериш ёки уларни ва улушни реализация қилиш ҳамда электрон онлайн-аукцион натижалари тўғрисидаги маълумотлар ўзларининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилади.

4. Давлат активларини бошқариш агентлиги Молия вазирлиги ҳамда давлат номидан акциядор (таъсисчи, мулкдор) вазифаларини амалга оширувчи бошқа вазирлик, идора ва ҳужалик бошқаруви органлари билан биргаликда:

бир ой муддатда давлат иштирокидаги корхоналар бошқарув органлари йиғилишларида уларга тегишли бўлган улушлар, кўчмас мулклар, автомобилотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситалардан самарали фойдаланиш, шу жумладан, уларни реализация қилиш ёки ижарага бериш бўйича “йўл хариталари”ни тасдиқлаш ташаббуси билан чиқсин;

икки ой муддатда давлат иштирокидаги корхоналарнинг улушлари кўчмас мулклари, автомобилотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситалари уларни реализация қилиш ёки ижарага бериш бўйича электрон савдо платформасидаги электрон онлайн-аукционга чиқарилишини бошласин.

5. 2022 йил 1 январдан бошлаб жисмоний ва юридик шахслар томонидан автомобилотранспорт воситаларини электрон савдо платформасидаги электрон онлайн-аукцион йўли билан ижарага беришда шартномаларни нотариал тасдиқлаш талаби бекор қилинсин.

Бунда, электрон онлайн-аукцион натижасига кўра расмийлаштирилган баённома ижара шартномаси кучига эга бўлади.

Адлия вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига автомобилотранспорт воситалари электрон савдо платформаси орқали ижарага берилганда, шартномани нотариал тартибда тасдиқлаш талабини бекор қилиш бўйича тегишли ўзгартиришларни киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 августдаги “Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини

бериш ҳамда архитектура-қурилиш ишларини амалга ошириш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4427-сон қарори билан Давлат хизматлари марказларида жисмоний шахсларга электрон онлайн-аукционда иштирок этиш имкониятини яратиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларида Марказнинг ҳудудлардаги 3 нафардан вакиллари фаолиятини йўлга қўйиш ва уларнинг зиммасига аукционга чиқарилаётган объектлар бўйича реклама ишларини ташкил этиш, аҳоли орасида аукционни оммалаштириш ҳамда унга чиқарилаётган объектлар юзасидан маълумотларни сифатли тайёрлашга кўмаклашиш вазифасини юклаш;

Марказ ва унинг ҳудудлардаги вакиллари объектларни реклама қилиш учун Давлат солиқ қўмитаси ҳўзуридаги Кадастр агентлигига тегишли учувчисиз учиш аппаратларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

“Е-іro aukcion” ягона электрон савдо майдончасини “Е-auksion” электрон савдо платформаси деб қайта номлаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Марказнинг ҳудудлардаги вакиллари фаолиятини Давлат хизматлари марказларида йўлга қўйиш ва уларни зарурий воситалар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

7. Давлат активларини бошқариш агентлиги: Марказнинг ташкилий тузилмасида Ички аудит ва комплаенс-назорат хизмати ташкил этилишини ҳамда унинг зиммасига аукционларни ташкил этиш ва ўтказишда коррупция аломатларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш, шунингдек, Марказ ходимлари орасида коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик бўйича профилактик тадбирларни амалга ошириш вазифасининг юкланишини;

Марказнинг ҳудудлардаги вакиллари сақлаш харажатларини асосланган ҳисоб-китобларига кўра Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хўсусийлаштириш жамғармаси ҳисобидан қўллаб борилишини таъминласин.

8. Ер участкаларини электрон савдо платформасидаги электрон онлайн-аукцион йўли билан реализация қилиш ёки ижарага бериш тартибини такомиллаштириш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ер участкаларини аукционга инвестиция қиритиш шарт билан чиқариш тартиби бекор қилинади;

Давлат солиқ қўмитаси ҳўзуридаги Кадастр агентлиги ер участкалари бўйича аукцион ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб барча иштирокчиларга мазкур ер участкаларини олдидан кўриш (кўздан кечириш) имкониятини таъминлайди;

ер участкаси бўйича тегишли маълумотлар, шу жумладан, фотосуратлар, унинг геолокация ва координаталари тўлиқ кўрсатилмаган ҳолда аукционга чиқариш учун буюртма тақдим этилганда, у камчиликларни бартараф этиш учун қайтарилади.

9. Давлат активларини бошқариш агентлиги:

а) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Миллий телерадиокомпания билан биргаликда икки ҳафта муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи амалий чора-тадбирлар режасини тасдиқласин: республика бўйлаб барча туман ва шаҳарларда аукционни тарғиб қилиш бўйича семинар ва давра суҳбатларини ташкил этиш; теле- ва радиоканалларда ҳар куни аукционда иштирок этиш бўйича видео- ва аудиолавҳаларни бериб бориш, шунингдек, ушбу йўналишда туркум кўрсатувлар тайёрлаш чораларини кўриш;

2021 йил 1 августга қадар электрон савдо платформасида аукционда иштирок этувчилар сони, шунингдек, аукцион жараёнини онлайн режимда кузатиб боришни жорий этиш;

2021 йил 1 октябрга қадар электрон савдо платформасининг демо версиясини ишлаб чиқиш, уни мактаб ва олий таълим муассасалари ўртасида оммалаштириш;

б) Марказ билан биргаликда икки ой муддатда ахборот технологиялари соҳасида етарли таҳрибага эга бўлган ташкилотларни жалб

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 24 июль

Ш. МИРЗИЁЕВ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ЁРҚИН КЎЗГУСИ

МИНТАҚАЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ЭВРИЛИШИ

ДЎСТ ХАЛҚЛАР ҲАЁТИГА ФАРОВОНЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК БАХШ ЭТАДИ



Анвар НОСИРОВ,
Марказий Осиё халқаро
институтини директори

Бошланиши 1-бетда

Фикримиз далили сифатида яқинда “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан кейинги беш йилда халқимиз ҳаётида катта ижобий ўзгаришларга сабаб бўлган энг самарали ташаббус ҳамда ислохотларни аниқлаш учун ўтказилган экспертлик сўровида маҳаллий ва хорижий 100 нафар эксперт Президент Шавкат Мирзиёевнинг тарихий аҳамиятга молик 15 та муҳим ислохотини шакллантирганини айтиш мумкин.

Экспертлар фикрича, Ўзбекистон етакчисининг энг муҳим ислохотларидан бири Марказий Осиёда яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилгани, чегаралар очилгани ва назорат пунктлари ташкил этилгани, минтақамиз давлатлари билан барча масалалар бўйича конструктив мулоқот йўлга қўйилганидир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон кейинги йилларда, энг аввало, қўшни давлатлар билан алоқаларни

мустаҳкамлаш борасида муҳим тарихий ташаббус ва ислохотларни амалга оширди. Пировардида, йиллар давомида орта сурилиб келган, шу туфайли оддий фуқаролар, тадбиркорлар кўп муаммоларга дуч келган масалаларга дўстона ечим топилди. Бугун қўшни ва дўст халқларимиз борди-келдиси тикланди, сунъий тўсиқлар олиб ташланди. Ўзаро махсулот алмашиш жонланди. Бу, албатта, ўзаро манфаатли шериклик асосида мамлакатлар иқтисодиёти юксалишига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Гап қўшни давлатлар билан муносабатларнинг бугунги манзараси ҳақида кетар экан, жорий йилнинг 15-16 июль кунлари Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Тошкентда ташкил этилган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференция аҳамиятини алоҳида тилга олиш ўринли.

Бу конференция Ўзбекистон нафақат Марказий, балки Жанубий Осиё мамлакатлари билан ҳам дўстона ва конструктив руҳдаги муносабатларни йўлга қўйиш тарафдори эканини амалда намойиш этди.

Юқори даражадаги мазкур тадбирда Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари, Россия, Хитой, АҚШ, Озарбайжон, Беларусъ, Туркия, Буюк Британия, Саудия Арабистони, Кувайт, Қатар, Италия каби кўплаб мамлакатлар делегациялари, БМТ, ЮНЕСКО, МДҲ, ШҲТ, ИХТ, Туркий кенгаш, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш, халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, шунингдек, халқаро молия институтлари, етакчи хорижий таҳлил марказлари экспертлари, журналистлар иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, барча иштирокчилар ушбу анжуман нафақат тарихий алоқаларни тиклаш ва икки минтақа ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантиришга, балки савдо-иқтисодий, транспорт коммуникацияси, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтиришга ҳам муҳим туртки бўлишини алоҳида эътироф этди. Конференция халқаро майдонда янги Ўзбе-

кстоннинг роли ва нуфузи ошиб бораётганини кўрсатди. Бу давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги туб ислохотлар, юритилаётган конструктив ва прагматик ташқи сиёсат билан бевоисита боғлиқ.

Президентимизнинг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган стратегик қарарлари ва аниқ амалий таклифлари халқаро конференция иштирокчилари томонидан тўлиқ маъқулланди.

Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуслари Марказий Осиё мамлакатлари учун бирдек муҳим ва нафақат минтақамиз, балки Жанубий Осиё давлатларига ҳам янги имкониятлар эшигини очди. Ўз навбатида, эълон қилинган барча ташаббуслар нафақат минтақа давлатлари, балки етакчи мамлакатлар ва халқаро молия институтлари томонидан ҳам тўлиқ қўллаб-қувватланаётгани эътиборли.

Ўзбекистон етакчиси таклифи барча давлатлар манфаатларига жавоб беради. Зеро, унинг асосий йўналиши бутун Евроосиёнинг юраги ҳисобланган Марказий ва Жанубий Осиё макониди тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ривожланиш таъминлашга қаратилган.

Ўтган қисқа даврда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли минтақадаги муҳит тубдан ўзгариб, турли соҳаларда ўзаро алоқаларни ривожлантиришга ғов бўладиган муаммоларга ечим топиш мумкин бўлди.

Бугунги кунда Марказий Осиё жадал ривожланиш, минтақавий ҳамкорликини мустаҳкамлаш ва савдо-иқтисодий, транспорт коммуникацияси, маданий, илмий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш даврини бошидан кечирмоқда.

Анжуман олдидан Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ташкил этилган Марказий Осиё халқаро институтининг расмий очилиш маросими ўтказилиши ҳам ўзига хос рамзий маъно касб этди.

Бу институт илмий-амалий фаолияти мамлакатимиз ташқи сиёсатидаги устувор йўналиш сифатида Марказий Осиё билан боғлиқ минтақавий жараёнлар ва халқаро алоқа-



ларни ўрганишга қаратилган. Шунингдек, у Марказий Осиё давлатлари тадиқот марказлари ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Тадқиқотлар ўтказиш билан бир қаторда иқтисодиёт, хавфсизлик, транспорт, энергетика, инновация соҳаларида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, минтақамизнинг тарихий ҳамда маданий меросини сақлаш ва тарғиб қилиш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан экологик инновациялар ва технологиялар зонаси деб эълон қилинган Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалаларини ишлаб чиқиш институт фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Президентимиз конференцияда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, бугунги тараққиёт тенденцияларини тизимли равишда ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида ҳар доимдиган ҳам пухта қарорларни ишлаб чиқиш муҳим.

этган ҳолда, электрон савдо платформасининг янгиланган дастурий таъминотини яратиш учун техник иқтисодий асосларни ишлаб чиқиб, тендер савдоларини эълон қилсин.

Бунда, аукцион натижалари бўйича иштирокчиларнинг ўзаро ҳисоб-китоблар механизмини (клиринг) юритувчи ахборот тизимини жорий қилиш назарда тутилсин;

в) Марказ билан биргаликда объектлар, шу жумладан, ер участкаларини электрон онлайн-аукционда сотиб олиб, қисқа муддат давомида ундан фойдаланмаган ҳолда уларнинг олди-сотдиси билан шўғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларни таҳлиллар асосида аниқлаб, савдолардан белгиланган тартибда четлатиш чораларини кўриб борсин.

10. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, электрон савдо платформасида ташкил этиладиган электрон онлайн-аукционлар тартиб-таомилларининг ягона тартибини, шу жумладан, аукцион натижалари бўйича расмийлаштирилган баённоманинг намунавий шаклини тасдиқласин.

Мазкур ягона тартибда ижро ҳужжатлари бўйича объектларни электрон онлайн-аукционга чиқариш ва реализация қилишнинг ўзига хос хўсусиятлари инобатга олинсин.

11. Давлат активларини бошқариш агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва жавобгар этиб Бош вазирнинг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ва Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж.Ортиқов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

СОЛИҚ ТИЗИМИ:

ЖОЗИБАДОР ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ, КЕНГ ВА ТЕНГ РАҚОБАТ МАЙДОНИ КАФОЛАТИ

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва амалга оширилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурида солиқ ислохотларини амалиётга самарали жорий этиш, унинг маъмуриятчилигини шаффоф йўлга қўйиш, солиқ юкини камайтириш ва соддалаштиришга, шу асосда ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатишни кенгайтиришга қаратилган қатор тadbирлар белгилаб берилган. Улар нафақат солиқ тушумларини оширишни, балки уни тўловчилар учун қатор енгиллик ва афзалликлар яратишни назарда tutади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Шерзод ҚУДБИЕВ билан суҳбатимизда асосий эътибор солиқ ислохотларининг амалий натижалари, яратилаётган енгиллик ва имтиёзларнинг аҳамиятли жиҳатларига қаратилди.

— Дунёнинг нуфузли оммавий ахборот воситалари ва иқтисодий экспертлари янги Солиқ кодексининг қабул қилинишини кейинги пайтда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсир қилган энг муҳим янгилликлардан бири сифатида эътироф этган эди. Бунда, айниқса, солиқ турларининг қисқартирилиши, мақбуллаштирилиши, ҳисоботлар камайтирилиб, соддалаштирилиши тарихий воқеликка айланди. Шундай экан, мазкур Солиқ кодекси ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши юртимизда жозибадор инвестиция муҳити ва тadbиркорлар учун кенг ва тенг рақобат майдонини яратишда қандай ўрин тутайди?

— Президентимиз ташаббуси билан адолатли, шаффоф ва узоққа мулжалланган тизимини яратишга қаратилган солиқ ислохотлари иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама асосланган ҳамда солиқ тўловчилар учун қўлай ва манфаатли эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Белгиланган тамойилларни жорий этиш учун янги солиқ концепцияси ва Солиқ кодекси қабул қилинди.

Охири 4 йилга назар ташлайдиган бўлсак, тadbиркорлик субъектлари ва кенг жамоатчилик муҳокамаси билан солиқ тизимига бевосита ва



билвосита тегишли бўлган жами 141 та қонун, қарор, қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу 2016 йилгача соҳада қабул қилинган ҳужжатларга нисбатан 2 баробар кўп демакдир. Уларнинг 70 фоизи айнан 2020 йил ва 2021 йилнинг ўтган даврига тўғри келади.

Ушбу меъёрлар замирида солиқ юкини пайсатириш ва солиқ тўловчиларга замонавий хизмат кўрсатиш ҳамда ҳалол-поқ тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мезони назарда тутилган. Бунинг эришилган ютуқлар, қайд этилаётган рақамларда ҳам кўриш мумкин.

Ислохотлар самараси туфайли, тadbиркорлик учун кенг ва тенг рақобат майдонида эркин фаолият юритиш имконияти вужудга келди. Хусусан, халқаро амалиётда қўлланилмайдиган ва корхоналар фойдасидан қатъи назар, товар айланмасидан 3,2 фоиз нисбатда олинмайдиган ажратмалардан воз кечилди, мулк солиғи ставкаси 5 фоиздан 2 фоизга пайсатирилди, қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга ва

ягона ижтимоий тўлов ставкалари 25 фоиздан 12 фоизга туширилди. Солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди ва иш ҳақига нисбатан солиқ юки қарийб икки баробар пайсиди.

Солиштириш учун Европанинг ривожланган давлатларини олиб қарайдиган бўлсак, белгиланган солиқ ставкалари сезиларли даражада фарқ қилади. Масалан, Швецияда даромад солиғи ставкаси 56,9, Данияда — 55,6, Испанияда — 45, Англияда — 20–45 фоизни ташкил этади.

ҚҚС ставкаси эса Дания, Норвегия, Швецияда — 25, Финляндияда — 24, Венгрияда — 27, Россия Федерацияси, Беларусь ва Украинада — 20 фоизга тенг.

Шу билан бирга, бугунги ўтиш даврида тadbиркорларга қўллаб-имтиёзлар ҳам тақдим этилмоқда. Натижада охири 4 йилда тadbиркорлик субъектлари ихтиёрида солиқ имтиёзлари ҳисобидан 119,5 триллион сўм (бугунги кунги курсда 11,3 миллиард доллар) маблағ қолди. Бу — республиканинг 2016 йилдаги солиқ тушумлари даромадидан 4 баробар кўп дегани.

— Ҳақиқатан, солиқ юкини пайсатириш ва тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида қўрилган чора-тadbирларнинг самараси жуда катта бўляпти. Шу ҳолда натижалар солиқ тўловчиларнинг сони ва тушумларига қандай таъсир кўрсатяпти?

— Солиқ юкининг камайтириш солиқ тўловчилар сони ва бюджетга солиқ тушумларининг ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Кейинги пайтда ҚҚС тўловчилари сони 17,3 баробар, фойда солиғи тўловчилари 15,2 баробар, сув солиғи тўловчилари 36,5 баробар ва ер солиғи тўловчилари 38 баробар кўпайгани бунинг тасдиғидир.

Бу ўз навбатида, солиқ тушумларининг ошишига олиб келди. Натижада 2020 йилда тушумлар 2016 йилга нисбатан 3,3 баробар ўсди.

Маълумот ўрнида яна шундай рақамларни келтириш мумкин бўлади. Солиқ тушумларининг эластиклик коэффициенти 2,02 бўлиб, унинг суръати ЯИМ ўсишига нисбатан ҳам номинал кўрсаткичда юқори бўлди. Жумладан, 2016–2020 йилда ЯИМ 2,4 баробар, яъни 255,4 триллион сўмдан 602,5 триллион сўмга ошган бўлса, солиқ тушумлари 31,4 триллион сўмдан 103,6 триллион сўмга кўтарилди ёки 3,3 баробар ошди. Аҳоли жон бошига элпи даромад 2 баробар ошиб, 5,8 миллион сўмдан 11,7 миллион сўмга етди.

Солиқ тушумларининг ўсиши 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида ҳам давом этиб, пандемиядан олдинги 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 баробар ўсди.

2016 йилда бир ойда битта солиқ органи ҳодими бюджетга ўртача 215,2 миллион сўм солиқ туширган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якуни билан 972,8 миллион сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар 4,5 баробар ўсишини аниқлашди.

— Соҳага доир қарорлар, ҳисобот ва таҳлилларда солиқ маъмуриятчилигини тако-



миллаштириш, деган ибора фаол қўлланиб келади. Бунда, энг аввало, тизимини жадал рақамлаштириш ва замонавий воситалар билан таъминлашга дахлдор жиҳатлар назарда тутилса керак...

— Электрон ҳисобварақ-фактура, онлайн назорат касса машиналари, товарларни маркировка қилиш тизими, маҳсулотларнинг ягона электрон миллий каталоги, электрон хизмат платформалари... Буларсиз бугунги солиқ маъмуриятчилигини ва умуман, бугунги тизим фаолиятини тасаввур этиб бўлмайди.

Бу борадаги ишлар Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамасининг солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва рақамли иқтисодиётни кенг жорий этишга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида олиб боришмоқда.

Мамлакатимизда ҳисобварақ-фактураларни электрон шаклда расмийлаштириш, сақлаш ва ҳисобини юритиш тизимини жорий этиш солиқ маъмуриятчилигининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Хусусан, пандемиядан олдинги 2019 йилнинг 6 ойида 274,3 мингта 18,8 триллион сўмлик электрон ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилган бўлса, 2021 йилнинг мос даврида 16 977,1 мингта фактура орқали 407,5 триллион сўмлик (22 баробар кўп) товар айланмаси қамраб олинди.

Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришнинг муҳим жиҳатларидан яна бири — алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, улгуржи ва чакана савдонинг барча бўғинларида рақамли маркировкалашни жорий этиш ҳисобланади. 2021–2022 йилларда идентификация воситалари билан мажбурий рақамли маркировка талаби жорий қилинадиган маҳсулотлар рўйхати тасдиқланиб, бу жараёни кузатиб боришнинг миллий ахборот тизими йўлга қўйилди.

Президентимизнинг 2019 йил 6 сентябрда “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тadbирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинган эди. Унга кўра, нақд пул тушумига эга бўлган тadbиркорлик субъектларининг онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассадан фойдаланишга босқичма-босқич ўтказиш графиги тасдиқланган.

Бу тизимдан фойдаланяётган тadbиркорлик субъектларига енгиллик ва имтиёзлар ҳам қўллаб-қўллабди. Натижада пандемиядан олдинги 2019 йилнинг 6 ойида НКМлар орқали 45,6 миллиард сўмлик 113,4 мингта чек урилган бўлса, 2021 йилнинг мос даврида 48 081,6 миллиард сўмлик 18 0925,4 мингта чек (1054 баробар кўп) урилиб, солиқ базаси кенгайтирилди.

Соҳада тенг рақобат шароитини яратиш ва қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳуқуқларини кафолатлашни такомиллаштиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бундан кўзланган мақсад турли режимлардаги солиқ тўловчилар учун мавжуд имкониятларни тенглаштириш ҳамда инсофли солиқ тўловчиларга қўшилган қиймат солиғи бўйича ортқча тўловларни қайтариш жараёни учун талаб қилинадиган вақтни минималлаштиришдир.

Мазкур тadbирни амалга ошириш доирасида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги қарори билан Қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида низом тасдиқланиб, ҚҚС суммасини тезлаштирилган тартибда фақат ишончли солиқ тўловчиларга қайтариш белгиланб қўйилди.

Давлат дастурида солиқ соҳасида белгилан-



ган муҳим тadbирлардан яна бири, бу — солиқ хизматларини кўрсатишни янги босқичга чиқариш ва халқаро стандартларга мослаштириш, солиқ органларини “хизмат кўрсатувчи” юқори технологияли ташкилотга трансформация қилиш жараёнини давом эттиришдир.

Хусусан, давлат солиқ хизмати органлари томонидан ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш бўйича изчил ишлар олиб боришмоқда. Улар фаолиятини автоматлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган ва жорий қилинган тизимлар солиқ мажбуриятларининг бажарилиши устидан вертикал назоратни самарали амалга оширишга имкон бермоқда. Ҳозирда солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича 45 та интерактив хизмат жорий этилган.

Пировардида олдимизга қўйилган энг муҳим вазифага, яъни фуқароларимизнинг солиқдан қочишига эмас, уни ихтиёрий тўлашга ўтишига, тушумларини камайтиришга эмас, аксинча, ўсишига эришилди. Бугунги кунда аксарият тadbиркорлар солиқларни ихтиёрий равишда тўлаб келмоқда.

— Мамлакатимизда тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ва солиқ мажбуриятларини бажариш борасида яратилаётган шароитларга нисбатан халқаро эътироф ҳақида нималарни айти оласиз?

— Солиқ ислохотларининг ижобий натижалари ва тadbиркорларга яратилган қўлайликлар инвестиция жозибадорлигини ошириб, хорижий сармоядорлар улушида ташкил этилган корхоналар сони тобора ортиб борапти. Кейинги 4 йилда улар сони 2,6 баробар кўпайди ва 13,2 мингтага етди. Жумладан, транскхалқаро компаниялардан Google, Apple, Samsung,

Huawei, Facebook, Яндекс каби 30 га яқин интернет-компаниялар Ўзбекистондаги фаолияти бўйича солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтди.

2016–2020 йилда тўғридан-тўғри инвестициялар миқдори 5,6 баробар ошиб, 20,1 миллиард долларни ташкил этган. Шунингдек, хозиргача иккиёқлама солиққа тортмаслик бўйича 53 та давлат билан шартномалар имзолангани ҳам унинг географияси кенгайиб бораётганини кўрсатади.

Солиқ ислохотларининг ижобий кўрсаткичлари нуфузли халқаро институтлар томонидан ҳам қайд этилиб, “Doing Business” — “Солиққа тортиш” рейтингига 2016 йилга (154-ўрин) нисбатан 24,6 пунктга кўтарилиб, 69-ўринга чиқилди.

— Тизим фаолиятини “Солиқчи — кўмакчи” тамойили асосида трансформация қилиш ислохотларнинг навбатдаги туб бурилиши сифатида қаралапти. Бу борадаги ишлар пировард натижада қандай мақсадларни назарда тутайди?

— “Солиқчи — кўмакчи” тамойили доирасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини таъминлаш юзасидан аниқ вазифаларни белгилаш, уларнинг ҳисобини юритиш, натижадорлигини баҳолаш, ҳисобот тизимини яратиш мақсадида 4 та босқич ва 9 та йўналишда “Ҳаракатлар режаси” тасдиқланган. Бунда, фаолият кўрсата-

ётган ва кўрсатмаётган тadbиркорлик субъектлари солиқ органларида мавжуд маълумотларга биноан турли мезонлар асосида сегментлаш орқали кўмаклашиш зарур бўлган тadbиркорларга ажратилади. Фаолиятини ривожлантиришга тўққинлик қилаётган муаммолар аниқланади ва бартараф этиш чоралари қўрилади. Айтиш жоиз, хозирги кунда “Солиқчи — кўмакчи” платформа-сида тadbиркорларга кўмаклашувчи 14 та интер-фаол хизмат жойлаштирилган.

Табиийки, бундай кенг қўламли ишлар ма-лакали кадрларга бўлган эҳтиёжни оширади. Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида ташкил этилган Фискал институтда ана шундай замонавий билим ва кўникмаларга эга кадрлар тайёрланади. Институт солиқлар ва солиққа тортиш соҳаси учун олий маълумотли мутахассислар ва илмий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таянч олий таълим муассасаси бўлади. Институтда нафақат молия ва солиқ соҳасида, балки тижорат ҳуқуқи, иқтисодиётда ахборот технологиялари йўналишларида ҳам кадрлар тайёрланади. Юқори даражада фундаментал ҳамда илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилади.

Умуман олганда, давлат солиқ хизмати органларида эркин бизнес юритишнинг нуфузини ошириш ҳисобига тенг рақобат шароитини яратиш, солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш ва солиқ мажбуриятини бажаришни янада соддалаштириш каби устувор йўналишларда ишлар давом эттирилмоқда.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Абдурауф ҚОРЖОВОВ суҳбатлашди.

ХУШХАБАР



Хайриддинмурод АБУЛҒАЙЗОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланғич 1-бетда

Беш йиллик танаффусдан сўнг

Математика чуқур мантиқий тафаккурни талаб этувчи фан сифатида яхши маълум. Шу боис, 62-халқаро математика олимпиадаси терма жамоасини шакллантириш жараёнида энг иқтидорли ёшлар саралаб олинди.

Шу йилнинг 14–24 июль кунлари Россия Федерацияси томонидан ўтказилган бу йилги бел-

лашувда дунёнинг 110 давлатидан 623 нафар ўқувчи иштирок этди. Унда 6 нафар юртоқшимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилди. Онлайн ўтказилган мусобақа якунида Бухоро вилоятидаги 5-ИДУМ ўқувчиси Дийрбек Толипов қумуш, Бухоро вилоятидаги Халқаро математика мактаби ўқувчиси Олимжон Олимов бронза медалга муносиб топилди.

— Сўнгги беш йилда бирорта иштирокчимиз совринли ўринни қўлга киритмаган эди, — дейди терма жамоа раҳбари, В.И. Романовский номидаги Математика институти профессори Носир Ғанихожаев. — Шу боис, бир неча босқичли саралаш жараёнидан сўнг олти нафар ўқувчини

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

танлаб, бир ойдан зиёд шуғулландик. Олдинги олимпиадаларда қатнашиб, билими чинқиқан йигит-қизлардан иборат жамоа тузилди. Улар орттирган тажрибаси билан бу йилги иштирокчиларни тайёрлашда фаол қатнашди. Ниҳоят, бир муддатлик танаффусдан сўнг вакилларимиз яхши натижа билан барчамизни хурсанд қилди. Мусобақа олтин медалига даъвогарлик чегараси 24 балл эди. Қумуш медалга олган вакилимиз 21 балл жамғарди. Олтин медалга бор-йўғи 3 балл етмай қолди. Ёшларимизнинг бу йилги ғалабасида Президентимизнинг аниқ фарнларни ўқитишга эътибори яққол сезилди. Келгуси йилда бу кўрсаткичлар салмоғи янада ошиши шубҳасиз.

Иккита олтин — тарихда биринчи марта

Шу йилнинг 18–23 июль кунлари Португалия давлати томонидан ташкил этилган 32-халқаро биология олимпиадасида дунёнинг 76 давлатидан 304 нафар иқтидорли ўқувчи иштирок этди. Улар сафида 4 нафар вакилимиз ҳам муносиб

қатнашиб, мамлакатимиз тарихида биринчи марта икки олтин, бир қумуш медални қўлга киритди. Жумладан, Жиззах давлат педагогика институти академик лицейи ўқувчиси Хумоюн Норбеков ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейи ўқувчиси Азиза Абдувалиева олтин, Навоий вилоятидаги 11-ИДУМ ўқувчиси Ёрқинбек Турдибоев қумуш медалга соҳиби бўлди.

— Илгари вилоят миқёсидаги фан мусобақаларида қатнашиб, совриндорлар қаторидан жой олганман. Академик лицейга ўқишга киргач, билимимни ошириш имконияти пайдо бўлди. Барча шарт-шароитларга эга таълим муассасасида тажрибали ўқитувчилар, қолаверса, хориждан жалб этилган мутахассислар кўмағида билимимни янада бойитишга ҳаракат қилдим. Мамлакатимизда таълимга қаратилган эътибор туфайли нуфузли халқаро олимпиада-да биринчи ўринни эгалладим, — дейди Азиза Абдувалиева. — Албатта, бу мен эришган охири ғалаба бўлиб қолмайди. Келгусида яна қатор халқаро даражадаги фан беллашувларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, терма

жамоамизнинг олтин медаллар жамғармасини бойитишимга ишонаман.

Физикадан ҳам натижа ижобий

Жорий йил 17–24 июль кунлари Литвада ўтказилган 51-халқаро физика олимпиадасида ҳам вакилларимиз совринли ўринлардан жой олди. Беллашувда дунёнинг 73 давлатидан 365 нафар иштирокчи қатнашди. 19 июль кунини олимпиаданинг амалий қисмида иштирокчилар 2 та топширқичи бажарди. 21 июль кунини эса, назарий босқичда 3 та масаланинг ечимини топиш вазифаси берилди. Якуний натижаларга кўра, Тошкент шаҳридаги 71-мактаб ўқувчиси Раил Хашаев бронза медални қўлга киритди.

Олдинда юртоқшларимизни яна бир муҳим воқеа кўтиб турибди. Келаётган ҳафта мамлакатимиз терма жамоаси Халқаро кимё олимпиадасида қатнашади. Ишонимизки, юртимиз ёш кимёгарлари ҳам нуфузли беллашувда билими ва салоҳиятини намойиш этиб, улуг боболарга муносиб издош эканини исботлайди.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСЛАРИ — АМАЛДА

Халқ ишончини ҳар биримиз ўз жойимизда амалий ишлар билан оқлашимиз керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯРАТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Акбаршоҳ ТЕШАБОВЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси ҳузуридаги
Қонунчилик муаммолари ва
парламент тадқиқотлари
институтини бўлим бошлиғи

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви тизимида кўплаб демократик ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, парламентнинг ваколатлари кенгайтирилди, парламент назоратининг янги шакллари жорий этилди, чинакамга халққа хизмат қиладиган ижро ҳокимияти тизимига асос солинди, адолатли суд ҳокимияти фаолияти йўлга қўйилди. Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотларнинг энг муҳим ва тарихий натижаси сифатида халққа қулоқ солиш, у билан мулоқот қилишдек янги тизимнинг жорий этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

2017-2021 йилларда мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилиш борасида Ўзбекистоннинг ўз ижобий таърибаси йўлга қўйилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш борасидаги ислохотлари марказидан, аввало, **“халқни рози қилиш, унинг дард-у ташвишларига қулоқ солиш ва халқни ўйлантириб келаётган масалаларга ечим топиш”**дек олижаноб мақсадлар жой

олди. Буни қуйидаги муҳим жиҳатлар мисолида кўришимиз мумкин:

Биринчи, Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг дастлабки босқичи — 2017 йилга **“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”** деб ном берилди.

Шу йили аҳоли билан яқиндан ишлаш мақсадида 320 та банддан иборат устувор вазифаларни ўзида ифода этган Давлат дастури қабул қилиниб, халқ билан мулоқот қилиш йўналишида амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим вазифалар аниқ белгилаб олинди. Йиллар давомида халқни ўйлантириб келган ва кўп бора кўтарилиб, аммо ўз ечимини топмаган долзарб масалаларни ҳал этиш учун 2017 йилда **37 687,8 миллиард сўм ва 8 349,3 миллион АҚШ доллари** миқдорида маблағлар ажратилди.

Иккинчи, халқ билан мулоқот қилишнинг янги ва самарали механизмлари жорий этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳарда **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси** фаолияти ишга туширилди, уларнинг фаолияти учун масъул сифатида республика ишчи гуруҳлари тузилди. 2017-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентини номига **2,5 миллиондан ортиқ** мурожаатлар келиб тушгани ҳам халқ билан мулоқот қилиш борасида йўлга қўйилган янги механизмнинг оқилона эканидан дарак берди.

Шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳар тўртта секторга бўлиниб, туман раҳбарлари секторларга масъул этиб белгиланган ҳолда, секторлар кесимида аҳолини қийнаб келаётган муаммолар ва ўйлантираётган масалаларнинг ечимини топиш борасида халқни рози қиладиган амалий ишлар қилинди.

Учинчи, мурожаатлар билан ишлашни ҳуқуқий тартибга солувчи миллий қонунчилик тубдан такомиллаштирилди.

Утган йиллар давомида жами **11 та** қонун ҳужжати қабул қилинган бўлиб, улардан **1 таси** қонун, **2 таси** Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарори, **8 таси** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидир. Шунингдек, барча идора ва ташкилотлар томонидан ҳам тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Жумладан, 2017 йил 11 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуни қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги қонуннинг қабул қилиниши қуйидаги ижобий жиҳатлари билан аҳамиётга молик:

— қонун амал қиладиган соҳалар ва мурожаатларни қабул қилишнинг асосий принципларига ойдинлик киритилди;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонасининг ҳуқуқий мақоми, фаолиятининг асосий йўналишлари ва вазифалари, ҳуқуқ-мажбуриятлари белгиланди;

— давлат органларининг, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг виртуал қабулхоналарини ташкил этиш тартиби белгиланди, мурожаатларни қабул қилишда давлат органининг, ташкилотнинг ва улар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари доираси кенгайтирилди;

— мурожаат этиш ҳуқуқини амалга ошириш кафолатлари кучайтирилди ва мурожаатларни қабул қилишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг янги механизми белгиланди;

— мурожаатлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилди.

Ўтган йиллар давомида жами **11 та қонун ҳужжати қабул қилинган бўлиб, улардан 1 таси қонун, 2 таси Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ва қарори, 8 таси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қароридир. Шунингдек, барча идора ва ташкилотлар томонидан ҳам тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.**

Тўртинчи, халқ билан мулоқот қилиш барча бўғиндаги раҳбарларнинг энг муҳим вазифаси этиб белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаларига биноан ҳар бир вазирлик, идора ва ташкилотда халқ билан мулоқот қилиш раҳбардан тортиб, энг қуйи лавозимдаги давлат хизматчиларининг устувор вазифаси этиб белгиланди. Шу мақсадда, вазирлик ва идораларда халқ билан мулоқот қилиш йўналишида янги тузилмалар (бўлим ва бўлималар) ташкил этилди, ушбу йўналишда фаолият юритишга ихтисослашган янги лавозимлар жорий қилинди, давлат органлари ва муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низомлар тасдиқланди.

Бешинчи, халқни ўйлантираётган масалалар билан уйма-уй юриб шуғулланиш амалиёти жорий этилди.

Мазкур амалиётнинг жорий этилиши натижа-сида кўплаб ижтимоий-иқтисодий масалалар ўз ечимини топди. Хусусан, аҳолининг эҳтиёж меҳан

қатлами учун уй-жойлар берилди, минглаб ишсиз инсонлар касбга ўқитилди, юзлаб қишлоқ ва овуллардаги аҳолининг муносиб турмуш кечириши учун замонавий инфратузилма шакллантирилди, таълим муассасалари жаҳон интернет тармоғига уланди, қишлоқ ва овулларда ёшлар учун маънавият ва ёшлар марказлари очилди, янги кутубхоналар барпо этилди.

Президентимиз топшириғига биноан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари ҳам уйма-уй юриб, фуқаролар билан учрашувлар ташкил этишни йўлга қўйди. Учрашувларда билдирилган кўплаб масалалар жойида ҳал этилди. Мурожаатларнинг ижроси назоратга олинadиган ва ҳал этилмагунга қадар долзарб вазифа сифатида кун тартибда турадиган янги механизмлар жорий қилинди.

Олтинчи, норма ижодкорлиги жараёнида халқнинг фикр ва ташаббуслари билан ҳисоблашадиган тизим яратилди.

Ўзбекистонда норма ижодкорлиги жараёнида **“қонун ҳужжатларининг ягона муаллифи халқ бўлиши лозим”** деган эзгу ғоя татбиқ этилди. Ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтмасдан туриб қабул қилинмаслиғига доир тизим жорий этилди.

“**2018 йил 20 апрелда халқнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини таъминлаш мақсадида “MENING FIKRIM” ЭЛЕКТРОН ЖАМОАВИЙ МУРОЖААТЛАР ПОРТАЛИ ЎЗ ИШINI БОШЛАДИ. 2021 йил 16 июль ҳолатига кўра, ВЕБ-ПОРТАЛГА БУГУНГА ҚАДАР ФУҚАРОЛАР ТОМОНИДАН 5 100 ДАН ЗИЁД ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАР КЕЛИБ ТУШДИ, УЛАРНИНГ ҚАРИЙБ 500 ДАН КЎПРОҒИ БЎЙИЧА ТЕГИШЛИ АМАЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР КЎРИЛДИ, ВАКОЛАТЛИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ИЖОБИЙ ҚАРОРЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.**”

халқнинг ташаббусларини кўплаб-қувватлаш мақсадида **Ўзбекистон Республикасининг “Очиқ бюджет” портали** яратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини кўплаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини қабул қилиш қабулхоналари** ташкил этилди. Қабулхоналарнинг ташкил этилиши тадбиркорлик субъектлари ва инвесторлар мурожаатларининг қабул қилиниши ва ижобий ҳал этилишига хизмат қилиб келмоқда.

2021 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқни рози қилишдек эзгу мақсадлар сари амалга ошираётган ислохотлари **100 нафар** юқори даражадаги халқаро экспертлар томонидан **10 та энг муҳим ташаббус** сифатида эътироф этилди. Мазкур муҳим ташаббуслардан бири сифатида халқ билан мулоқот қилишнинг янги ва самарали механизми — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонаси жорий этилгани юксак эътироф этилди.

Баралла айтиш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида Президент Шавкат Мирзиёевнинг давлат бошқарувини ислоҳ қилиш йўналишидаги ислохотлари **“Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш — одамлиқнинг энг олий мезонидир”** деган эзгу ғоя билан муштарак тарзда амалга оширилмоқда.

МУНОСАБАТ



Ғани МУРОЖАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Бухоро
вилояти Ромитан
туманидаги Халқ
қабулхонаси мудири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жойлардаги Халқ қабулхоналари ташкил этилганига ҳам 4,5 йилдан ошди. Бундай қабулхоналарнинг ташкил этилиши, фуқаролар билан тўғридан-тўғри очик мулоқот йўлга қўйилиши, оддий одамлар ҳақ-ҳуқуқининг ҳимоя қилиниши давлатчилигимиз тарихида катта воқеалик сифатида баҳоланмоқда.

АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШДА ЯНГИ БОСҚИЧГА ЎТИЛМОҚДА

Айтиш жоизки, бу халқчил тизим йил сайин такомиллашиб бормоқда. Кунчи кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини замон талаблари асосида ташкил қилиш чора-тадбирларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борада янги босқичга ўтиш масалалари муҳокама қилингани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Халқ қабулхоналари ва сайёр қабулларда кўтарилган долзарб муаммолар таҳлилий мамлакатда самарали ислохотларни амалга ошириш омил бўлди. Масалан, 4 йил олдин валюта айирбошлаш, прописка, пенсия ва нафақаларни нақд пулда олишга доир кўплаб мурожаатлар келиб тушарди. Бугун бу каби мурожаатлар аҳолини мутлақо безовта қилмайдди. Бу — муаммолар тизимли ҳал этилгани самараси.

Президентимиз одамларни мурожаат қилишга мажбур этаётган муаммоларни маҳалларнинг ўзида бартараф қилиш лозимлигини айтди. Бунинг учун вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бир ҳафтада икки кунли фуқароларни қабул қилишга ажратиши, шунингдек, ҳокимликларда кунлик қабул йўлга қўйилиши белгиланди.

Йиғилишда яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратилди. Энди мурожаатларнинг барчаси ягона электрон база-

да жамланиб, Халқ қабулхоналари ҳар чоракда давлат органларининг очик рейтингини шакллантирадиган бўлди. Барча вазирлик ва идоралар, ҳокимликларда мурожаатларни рўйхатга олиш, уларни қабул қилиш ва натижасини назорат қилиш бўйича Ягона онлайн платформа яратилди. Бу мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигини янада оширади.

Видеоселекторда аҳолидан келиб тушаётган мурожаатларнинг аксариятини жойлардаги ҳокимлик кучи билан ҳал қилиш мумкинлиги қайд этилди. Шу боис, Президентимиз аҳоли тўғридан-тўғри, туну кун мурожаат қилиши учун ҳокимларнинг виртуал қабулхонаси ва ижтимоий тармоқларда алоҳида саҳифаларини ташкил этиш бўйича топшириқ берди. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг кўплаб муаммоларини бевосита жойида ҳал қилиш учун замин яратди.

Яна бир жиҳат. Бу жараённинг ташаббускори бўлган давлатимиз раҳбари ҳудудларга таширфлари давомида энг чекка қишлоқларга бориши, фуқароларимизнинг уйига кириб, уларнинг турмуш шароити билан шахсан танишиб, муаммолари масалаларини жойида ҳал этаётгани жойлардаги барча бўғиндаги раҳбарлар учун дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқ қабулхоналари ташкил этилган-



дан кейин давлат ташкилотлари, ҳўжа-лик юритувчи субъектлар раҳбарлари Халқ қабулхоналарининг ўзида фуқароларни қабул қилаётгани, жойларда оммавий сайёр қабулларнинг мунтазам йўлга қўйилгани натижасида минглаб фуқароларнинг узоқ йиллардан буён ҳал бўлмаётган муаммоларига ижобий ечим топилиши таъминланмоқда. Бу Халқ қабулхоналари чин маънода давлат билан халқ ўртасида кўприк вазифасини ўтаётганидан далолат.

Бу сўзларнинг исботини биргина Ромитан тумани мисолида кўрадиган

бўлсак, жорий йилнинг 6 ойида туман Халқ қабулхонасига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган 958 мурожаатдан 682 таси қаноатлантирилди, 387 мурожаат ижобий ҳал этилди.

Жорий йилда туман Халқ қабулхонаси томонидан мурожаатлар билан ишлашнинг натижадорлигини ошириш ва бу борада мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида тумандаги давлат идоралари ҳамда ташкилотларида мурожаатлар билан ишлашнинг ҳолати, қабул қилинган мурожаатлар бўйича қабул қилинган қарорлар ижро-

сини ўрганиш жараёнида аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан 62 тақдимнома киритилди. Бу тақдимномаларга асосан, мурожаатлар билан ишлашда масъулиятсизлик ҳамда хато, камчиликларга йўл қўйган 28 ходимга нисбатан “ҳайфсан” интизомий жазоси берилди ва 1 нафар ходим ишдан бўшатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ташкил этилиши билан кундалик ҳаётимизга “сайёр қабул”, “оммавий қабул” каби тушунчалар ҳам кириб келди. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, секторлар, давлат идоралари ва ҳўжалик бошқаруви органлари масъулларининг жойларда сайёр қабуллари ташкил этилиб, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиши учун шарт-шароит яратиб борилиши туфайли мурожаатлар тезкорлик билан жойида ҳал этилишига эришилмоқда.

Президентимиз томонидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар аҳоли мурожаатлари билан ишлашда янада қўлайлик яратиш билан бирга, ишларни тизимли йўлга қўйиш ва муаммоларни жойида ҳал этиш самарадорлигини оширади.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари бугунги кунда минглаб фуқароларимизнинг узоқ йиллардан буён йиғилиб қолган муаммоларига ечим топишда нажот даргоҳига айланиб улгурди. Зеро, асосий мақсад ҳам халқимиз фаровонлигини юксалтириш, аҳолининг турмушидан рози бўлиб ҳаёт кечиришига эришишдир.



КУН МАВЗУСИ

ВАКЦИНА

ЭНГ ИШОНЧЛИ

ҲИМОЯ ВОСИТАСИ



Севара УБАЙДУЛЛАЕВА,
Коронавирусга қарши курашиш
штаби аъзоси, тиббиёт фанлари
доктори

Мамлакатимизда эпидемиологик вазиятни жилаш, аҳоли саломатлигини ҳар томонлама ҳимоя қилиш учун барча чоралар қўрилаётганига қарамай, коронавирусга чалиниш ҳолатлари кескин ошаётгани сир эмас. Бугунги кунда барча давлатлар бу касалликнинг олдини олиш чора-тадбирларини, яъни профилактика, даволаш ва реабилитация ишларини амалга оширмоқда. Афсуски, коронавирусдан тўлиқ тузатадиган дори воситаси ҳали ишлаб чиқилгани йўқ. Ҳозирча ягона имконият вакцина бўлиб турибди.

Давлатимиз раҳбари куни кеча аҳоли муҳофизатлари билан ишлаш тизимини янгилаш ташкил қилиш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида халқимизни огоҳлиққа, бефарқ бўлмаслиққа ва эҳтиётчиликка фаолроқ бўлишга чақирди: “Вакцинация, вакцинация ва яна бир мартаба вакцинация! Жуда катта машаққатлар билан биз вакциналарни олиб келаямиз. Бефарқ бўлмайлик, кўринмас душман ёнимизда юрибди!”, деди.

Маълумки, кўпгина ривожланган мамлакатларда, жумладан, республикамизда ҳам коронавирусга қарши вакцина қабул қилиш ишлари бошлаб юборилган. Афсуски, вакциналарнинг сифати ва самарадорлигига ишончсизлик билан қараётганлар ҳам йўқ эмас. Ҳўш, вакцинация ҳақида ҳамма ҳам тўлиқ тушунчага эгами?

Вакцинация — бу касаллик профилактикаси учун қўлланиладиган усул бўлиб, эмлашдан мақсад — инфекцияни, яъни коронавирус тарқалишини тўхтатиш ва бу инфекция натижасида келиб чиқадиган инсон организмидеги асорат ҳамда ўлим ҳолатларини камайтиришдан иборат. Бу тиббиёт тилида инфекция тарқалишнинг назорати ёки ликвидацияси ҳам дейилади. Бундай натижага эришиш учун эса 70-80 фоиз аҳоли вакцинация қилиниши керак. Ана шунда биз оммавий иммунитет ҳосил қилишимиз мумкин.

Бугунги кунда коронавирусга қарши дунё бўйича 200 хилдан ортиқ вакцина ишлаб чиқилган ва ЖССТ рўйхатига киритилган. Лекин фавқуллода ҳолатларда оммавий фойдаланиш учун ЖССТ талабларига мос келувчи вакцина тури санокли. Дунё бўйича аҳолини эмлашда энг хавфсиз ва ишончли саналган вакциналардан фойдаланилмоқда. Албатта, улар тури ўз самарадорлиги ва хавфсизлиги кўрсаткичлари бўйича янада кўпайиб ва мукамаллашиб бораверади.

Бугунги кунда ишлаб чиқилган вакциналар эпидемия даврида, фавқуллода ҳолатларда эмлаш учун рухсат этилган. Болалар ва ҳомиладор аёллар учун эса махсус вакциналар ишлаб чиқилмоқда. Бу хилдаги вакциналар ҳам оммабон эмлаш учун тавсия этилганидан сўнг юртимизга олиб келинади. Шунда мамлакатимиз аҳолисининг 70-80 фоизини босқичма-босқич эмлаб, коронавирус инфекциясини назорат қилиш имконияти туғилади. Бугунги кунга қадар мамлакатимизда 7 миллиондан ортиқ вакцина қўлланилди.

Баъзан вакцина билан эмлангандан кейин дастлабки 3 кунликда вақтинчалик ноҳўя таъсирлар, яъни тана ҳароратининг 38° даражагача кўтарили-

ши, вакцина олган жойда қизариш, салгина оғриқ ёки бўртиб чиқиш, баъзиларда эса, 2-3 кунда ўтиб кетувчи енгил шамоллаш аломатлари, танадаги мушаклар ёки бўғимларда 1-2 кунлик оғриқлар кузатилмоқда. Бу вакцина олганларда кузатилиши мумкин бўлган табиий ҳолат.

Баъзиларда эса, яъни олдиндан асаб-руҳий ўзгаришлари бор бўлганларда ваҳима ва қўқув таъсирида нафас етишмаслик аломатлари кузатилмоқда. Улар тинчлантирувчи воситаларни қабул қилиши билан бу ҳолат ўтиб кетаяпти. Бу вакцина билан боғлиқ бўлмаган ҳолатдир. Алоҳида таъкидлаш керакки, вакцина билан боғлиқ бўлган ўлим ҳолати қайд этилгани йўқ.

Барча эмланишга келганлар шифокор текшируви, зарур ҳолатда клиник ва лаборатор текширувларидан ўтказилади. Саломатлиги тўлиқ ўрганилиб, вакцинация қилиш учун кўрсатмаларга мос келсагина эмлашга рухсат берилади.

Коронавирус инфекциясига қарши вакцина бир қатор ҳолатларда тавсия этилмайди. Жумладан, ҳомиладорлар, 18 ёшгача бўлган болалар, ОИТС (ОИВ) инфекцияси билан касалланганлар, вақтинанинг таркибий қисмидаги воситаларга аллергияси бўлган одамлар, сурункали касалликларнинг авж олган даври, бошқа инфекция касалликларнинг ўткир даври бўлганлар эмланмайди.

Вакцинадан кейинги 3 кунликда коронавирусга қарши эмланганлар саломатлиги шифокорлар ва патронаж ҳамширалар томонидан назорат қилинади. Афсуски, бугунги кунда вакцина олаётганларнинг баъзиларида эмлашдан кейин коронавирус инфекцияси билан касалланиш ҳолатлари кузатилмоқда, лекин бунинг асосли сабаблари бор. Авваламбор, оммавий вакцинация бошланган — 2021 йил апрель ойидан буён шу вақтгача давлатимизда мавжуд “Astra-Zeneca”, “ZF-UZ-VAC 2001”, “Спутник V” вакциналарини ўз вақтида олганлар организмидеги иммунитет таначалари ишлаб чиқилган ва бу жараён давом этмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигида ишлаб чиқарилган “ZF-UZ-VAC 2001” вакцинаси юртимизга олиб келинаётган барча вакциналар қаторида ушбу воситанинг ҳам сифати ва самарадорлиги мутахассислар томонидан тўлиқ исботланган.

Эмланганларда иммунитет ҳимоянинг тўлиқ ишлаб чиқилиши ва максимал ҳимоя кўрсаткичига 4-5 ойдан кейин эришилади. Шу даврда тўлиқ эмланиб улгурмаганлар, тўлақонли иммунитет ҳимояси йўқ бўлса-да, карантин қоидаларига риоя қилмагани учун касалланиб қолмоқда.

Ҳозирда касаллик кенг ва тез тарқалаётгани туфайли вакцина билан қамраб олиш контингенти янада кенгайтириляпти. Шу боис, юзага келган шароитдан келиб чиққан ҳолда, барча аҳолининг вакцина олиши мақсадга мувофиқ. Яъни 18 ёш ва ундан катталарнинг барчаси эмланиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Эслатиб ўтамиз, аҳоли орасида карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилмай вакцина олаётган вақтда организмга вирус тушса, унда касалликнинг яширин даври кетаётган ёки баъзилар касалликни симптомларсиз ўтказётган ҳам бўлиши мумкин.

Айнан шу вақтда вакцина олиши билан, касаллик юзага келиб чиқиши ва ПЦР-тестда бу тасдиқланиши кузатилмоқда. Бундай ҳолатлар вакцина олиш вақтида ёки олинганга қадар организмга коронавирус тушгани учун, вакцина олгандан кейин организм ҳимоя ҳужайраларини ишлаб чиқишга улгурмай касалланади. Бундай ҳолатларда гўё вакцина олиш касалланишга сабаб бўлиб қолади. Аслида эса, вакцина бу касалликнинг юзага чиқадиган даврига тўғри келиб қолган бўлади, ҳолос.

Вакцина организмга тушганида, хусусан, “Astra-Zeneca” ва “Спутник V” векторли вакцина бўлгани боис, организмда енгил ўРВИ кўринишида касаллик чақириши мумкинлиги ушбу дорилар кўрсатмаларида ҳам қайд этилган. Эмлашдан кейин бирламчи иммунитет ҳимоя таначалари икки ҳафтада ишлаб чиқилиши тасдиқланган. Вакцинациядан кейинги даврда енгил ўРВИ касаллигини кечирish жараёнида ҳимояланмаган контакт, яъни карантин қоидаларига риоя қилмаслик коронавируснинг яна организмга келиб тушишига сабаб бўлади. Бу каби ҳолатларнинг асл сабабини тушулмаганларда вакцинага бўлган ишончсизликни келтириб чиқармоқда.

Коронавирус жуда кенг тарқалаётган ҳозирги вақтда беморлар ҳолати таҳлили ҳамда айримларда касалликнинг оғир кечиши ўрганилганда, эмланганларда эса касаллик енгил ва ўрта оғир даражада ўтмоқда. Вакцина олганларда эса касаллик қисқа муддатларда жадал ривожланиб оғир ва ўта оғир аҳволга тушишига сабаб бўляпти. Шундай экан, коронавирусга қарши эмланиш саломатлигимиз муҳофазаси эканини ҳар биримиз англашимиз, мамлакатимизда аҳоли саломатлиги муҳофазасига қаратаётган чора-тадбирларга ҳурмат билан қарашимиз лозим. Зеро, вакцинация — саломатлигимизни ҳимоя қилишнинг ишончли воситаси.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

БУГУНГИ АВЛОД “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” ОСТОНАСИДАН

Жаҳон минбарларига йўл олади

Қўнғиротбой ШАРИПОВ,
Тошкент давлат иқтисодий университет ректори

Тарихнинг гувоҳлик беришича, биз икки Ренессанс даврини бошдан кечирганмиз — дастлабки IX-XII асрларда, иккинчиси XIV асрнинг сўнги ва XVI асрнинг биринчи чорагиди. Олти асрдан сўнг Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан тараққиётнинг янги даври — Учинчи Ренессанс учун мустаҳкам пойдевор қўйилмоқда. Ўйғониш даври пойдевори сифатида илму маърифат йўли танланди ва таълим тизимида умидбахш ислохотларга старт берилди.



Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги, тараққиёти, келгуси ривожини чуқур билимли кадрлар, малакали мутахассислар яратиши рости. Сўнгги йилларда юртимизда ана шундай ёшларни тарбиялаш мақсадида Президент мактаблари, “Темурбеклар мактаби”, Ал-Хоразмий номидидаги халқаро физика ва математика мактаб-интернати каби нуфузли таълим даргоҳлари ташкил этилди. Уларда ўқувчиларга замонавий билим бериш, таълим тизимида ривожланган давлатлар тажрибасини қўллаш йўлга қўйилди.

Бунинг узвий давоми сифатида мамлакатимизда йирик олий таълим муассасалари сони ҳам ортиб бормоқда. Айниқса, “Янги Ўзбекистон” университетининг ташкил этилиши тўғрисидаги қарор юртимиз тарихида катта воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Иқтидорли ўғил-қизларимизнинг юқори технологиялар ва замонавий билимларни чуқур ўзлаштиришига кенг шароит яратиш ҳамда рақобатбардош миллий кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш мақсадида Тошкент шаҳрида алоҳида университет ташкил этамиз. Ушбу олийгоҳга чет элдаги етакчи олимлар ва профессор-ўқитувчилар жалб қилиниб, ёшларга энг замонавий дастурлар асосида таълим-тарбия берилади”, деб қайд этган эди. Орадан кўп ўтмай — 23 июнь куни “Янги Ўзбекистон” университети-га асос солинди.

Замонавий, халқаро стандартларга мос тарзда бунёд этиладиган университетга нуфузли хорижий ўқув юртларининг таълим дастурлари асосида юксак касбий билим ва малакага эга истиқболли кадрлар тайёрлаш, талабаларнинг интеллектуал қobiliятини ривожлантириш, бунинг учун ҳар томонлама қўлай муҳит яратиш каби бир қатор муаммоларни ҳал қилиш мумкин. Бунда дунёнинг энг номдор олий таълим муассасалари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиб кўзда тутилган. Хусусан, олийгоҳда қабул имтиҳонларини Кембриж университети ўтказса, ўқув режа ва дастурлари Массачусетс технология институтини ҳамда Мюнхен техника университети билан биргаликда ишлаб чиқилади. Дунёнинг мазкур етакчи олий ўқув юртлари таълим сифатини назорат қилиш, лаборатория ва кутубхоналарни тўлдиришда ҳам кўмаклашади.

Жаҳон таълим муассасасининг сирини 3 омилга чамбарчас боғлиқ. Булар — иқтидорларни топиш ва жамлаш олиш, молиявий ресурслар билан таъминлаш ҳамда самарали бошқарув тизимини жорий этиш.

Массачусетс технология институтининг иқтисодий қудратига муҳим ҳисса қўшадиган қobiliят, бу — унинг истеъдодли жамоаси ва ундаги академик тадбиркорлик тизимининг тўғри йўлга қўйилгани.

Умуман олганда, АҚШда профессор-ўқитувчиларнинг мажбуриятлари одатда учта асосий тоифага бўлинади: ўқитиш, илмий-тадқиқот ва кампус ёки жамоа ишида иштирок этиш. У ерда академик эркинликка алоҳида урғу берилади. Илмий-педагогик ходимлар фаолиятини ҳимоя қилиш ва қонунлаштириш, уларнинг сифатли таълим олиши учун шарт-шароитлар яратиш,

ҳамжихатликка хизмат қилувчи мунозараларни қўллаб-қувватлаш ва академик жамоатчилик ичида очиқ фикр алмашинувини таъминлаш академик эркинлигининг асосий мақсад-вазифаси саналади. Самарали бошқарув тизимасининг энг муҳим бўғини эса академик жамоани аниқ мақсад сари эргаштира оладиган, тўғри йўлга бошлайдиган ватанпарвар ректордир. Бизда ҳам бу тизимни шакллантириш долзарб масала саналади. Президентимиз “... агар олийгоҳда билимли ректор бўлса, бу — халқнинг бахти”, деб бежиз айтмади.

Яна бир жиҳати, АҚШ университетлари докторлик илмий даражасини берувчи муассасалар гуруҳига кириб, аксарияти турли миллий ва дунё университетлари рейтингидида олдинги ўринларни эгаллайди. Уларда иккита кўрсаткич — тадқиқот фаолиятининг ҳажми ва 1 нафар профессор-ўқитувчига тўғри келган илмий-тадқиқот фаолиятига оид тушумлар юқори кўрсаткичларга эга. Ушбу университетлар глобал иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш таъминловчи илмий кашфиётлар ва технологик инновацияларнинг асосий манбаи бўлиб хизмат



қилади. Бунинг натижаси қанчалик юқори эканини биргина Массачусетс технология институтининг фонди 68 миллиард АҚШ доллари билан таъминлаш ҳам кўриш мумкин. Айланма маблағлари миллиардлардан ошадиган дунёга машҳур компанияларнинг вуҷудга келиши ва фаолият юритиши ҳам мазкур институтда амалга оширилаётган илмий кашфиётлар ва технологик инновацияларнинг ҳаётга татбиқ этилиши самарасидир.

Буюк Британия университетлари ҳам жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Айниқса, Кембриж университети юксак илмий салоҳиятли кадрлари билан дунёга машҳур. Жамоа ўз талабаларини юксак чўққиларни забт этишга ундайди, улар устидан қаттиқ назорат ўрнатади ҳамда ҳар бир талаба учун мураббийлик қилади. Мураббийларнинг асосий вазифалари талабалар ижодий ишларини назорат қилиш



ва уларга амалий кўмак беришдан иборат. Талабалар билимни нафақат маъруза ёки семинарлардан, балки индивидуал машғулотлардан олади.

Университетнинг илмий-тадқиқот ишлари турли илмий мактаблар томонидан шакллантирилган бўлиб, уларнинг ҳар бири бир неча факультетнинг илмий-тадқиқот институтлари, лабораторияларига аъзо бўлган талаба ҳамда докторантлардан иборат. Кембриж университетининг 800 йиллик тарихида ушбу мактаблардан юзлаб Нобель мукофоти соҳиблари, халқаро олимпиада совриндорлари ва бир неча бош вазир етишиб чиққан. Унинг молия манбаи асосан давлат грантлари, талабалар ҳамда докторантларнинг стартап ва илмий лойиҳалари, университет наشريёти каби бошқа манбалардан шакллантирилади.

“Янги Ўзбекистон” университетининг яна бир хорижий олийгоҳ — Мюнхен техника университети билан ҳамкорлиги ҳам аниқ мақсадларга асосланади. Таълим даргоҳи нафақат Германия, балки бутун Европанинг етакчи тадқиқот марказларидан бири ҳисобланади. Университетнинг нанотехнология, биоинформатика, муҳандислик, фотоника, неврология, биоинжиниринг ва радиокимё сингари бир неча илмий-тадқиқот маркази мавжуд. Унинг узига хос ўқитиш сиёсати шундаки, университет асосан амалиётга урғу беради. Биргина техник фанлар йўналишида 4 та институт (астрофизика, ердан ташқари физика, плазма физикаси ва квант оптикиси)да узлуксиз изланишлар олиб борилади.

Германия ўзининг мукамал технологиялари, тиббиёт ва фармацевтикаси билан дунёда етакчи. Шубҳасиз, унинг Мюнхен техника университети ана шундай фан тармоқлари, табиий ҳамда техник фанлар бўйича етук мутахассисларни тарбиялаб келмоқда.

Университет техника, технология йўналишлари бўйича дунёда машҳур илмий-тадқиқот ва инновацион марказ ҳи-

собланади. Жумладан, “Siemens”, “BMW”, “Audi” каби йирик компаниялар билан ҳамкорликда илмий-тадқиқотлар олиб боради. Ҳар йили sanoat корхоналари билан биргаликда юздан зиёд янги ихтиро ва патентга муаллифлик ҳуқуқини расмийлаштиради. Унинг битирувчилари орасида 17 нафар Нобель мукофоти, 20 нафар Лейбниц медали совриндори бор.

Бир сўз билан айтганда, халқаро таъриба асосида ташкил этилаётган “Янги Ўзбекистон” университетидега истеъдодларнинг жамланishi, молиявий ресурслар билан тўлақонли таъминланиши ва замонавий бошқарув тизимига асосланган ўқув, илмий ва инновацион фаолиятнинг йўлга қўйилиши келажақда ушбу байроқдор олийгоҳда Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшади, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллайдиган истиқболли раҳбар ёшларнинг униб-ўсишига хизмат қилади.

Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз.

Президентимиз Шавкат МИРЗИЁЕВнинг пойтахтимиздаги Адиблар хиббони мажмуаси очилишидаги нутқидан



Кўнгиш хиббони



Баҳодир КАРИМОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, профессор

Нафъинг агар халққа бешакдурур, Билки, бу нафъ ўзунгга

купракдурур. Алишер НАВОЙИ

Мамлакатимиз пойтахтидаги Адиблар хиббони кейинги йилларда энг гавжум зиёратгоҳ ва адабий анжуманлар масканларидан бирига айланди. Аллома адиблар учун ёдгорликлар бунёд қилинган бу боғни кўрмаганлар томошасига шошилади.

Табиийки, ҳаёлланиб, ўй суриб, тасаввур қилиб кетади. Келиб қўриб ҳаяжонланади, юксалишдан қараб турган ҳазрат Алишер Навоий анжуманида шоғирдлар устози ҳузурда хисобот бераётгандек манзарага қараб, яхши кишилар ҳайратга тушади.

Дарҳақиқат, бу боғда ўзбек адабиёти босиб ўтган узун йўлнинг рамзий бир ифода-си ҳам ўз аксини топган. Адиблар ҳайкаллари йиллар силсиласига монанд ёнма-ён ва кетма-кет тарзда жойлаштирилганки, улар мисли “мажолис ун-нафос” ичра истиқомат қилади. Узаро ҳол тилида гурун-лашади, бир-бирларига ҳавасла, эҳтиром ила боқади. Шу орада мозийдан маҳзун, ички ва иқролий бир овоз келади:

“Ёд этмас эмиш кишини меҳнатта киши, Шод этмас эмиш кўнеулни гўрбатта киши. Кўнгулм бу ғарибликта шод ўлмади ҳеч, Ғурбатта севунмас эмиш, албатта, киши”.

Хижронли, изтиробли, шоир кўнгилли Бобурининг чўн дарди беихтиёр ёнда тушади. “У дийдордир, емадилар, тўйдилар” деганларидек, асрлар сарҳадини, заминнинг чегара чиқиқларини парчалаб, маънавият боғида руҳан дийдорлашган шоирлар шодлиғи оламага таралади.

Ватанга садоқат, дўстга ҳурмат, ҳалқ учун хизмат — кўнгил хиббонини беэайбон ноёб, нодир тушунчаларки, ижод аҳлининг хис-туйғулари билан уйғунлашиб, шеърга дўнади. Бердақ бобо тажовҳили орифона услубда насихат қила бошлади:

“Бердимурод, ўйлаб айтгин сўзингни, Лоф уриб, кўтарма куруқ ўзингни, Қизартмагай халқинг сенинг юзингни, Қўлдан келса хизмат айла халқ учун”.

Кўнгиш хиббони

Хиббон адабиёт абадиятидан, инсонларро меҳр-оқибатдан, миллатлараро дўстликдан сабоқ беради... Ватан ва миллат келажаги учун жон фидо қилган адибларнинг тарихий хизматлари бирорта зиёратчини бефарқ қолдирмайди. Хиббон бутун куч-қувватини халқ ичидан олган ва “кўчоқ очиб” халқ орасига кирган, уларнинг барча муаммоларини ҳал этишга интилан, таълим ва тарбияси, уйғониши учун хизмат қилган ҳақидларнинг ибратли ҳаётидан лавҳаларни тақдим этади, албатта.

Мардона, ўйчанлик аралаш мағрур турган Абдулла Қодирий беихтиёр ўтган кунлардан бугунги кунларга қараб, “Ҳақиқат очиб сўзлашадир”, деяётгандек бўлади. Шу маҳал аллома адибнинг сўз заҳмат-қашларига қарата: “Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак, ёзувчининг ўзига тушуниб, бошқаларнинг тушунамслиги катта айб. Асли ёзувчилик айтмакчи бўлган фикрни ҳаммага баробар онглата билишда, орага онглашilmовчилик солмасликда-дир”, деган ҳақиқати ҳаёлга келади.

Адиблар хиббони боғи — кўнгил ва тафаккур боғи, бунда шеър тугилади, оғочлар тилга қиради, майсалар шивирлайди — она тупроқ мадҳ этилади. Табиийки, “бунда бўлбун китоб ўқийди, бунда қуртлар ипак тўқийди”. Бу мухташам боғни “сал кўрмаса кўёш” соғинади, “тупроғида олтин гуллайди”. Боғдаги қайси бир шоир ўйчан, бошқа бирови илҳом қанотида парвоз қилаётгандек намоён бўлади.

Асл адиблар ҳар бир инсонни зғулик йўлига даъват этади, ёш илгит-қизлар эл-юрт хизмати учун камарбаста бўлишдан сабоқ беради: “Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди, билиб қўйки, сени Ватан кутади”.

Адиблар хиббони — бу сўлим боғ улугвор мамлакатнинг митти маънавий-адабий харитасидир.

Адиблар анжуманида қатнашган замонанинг ёш истеъодлари қалбиди янги асарлар қуртак ёзади. Рассоми аллома адибларнинг рангтасавирдаги сиймоси хусусида режалар тузади. Кимдир ёзаж мусиқаси оҳангиди кўнгил хиббонини оралайди. Ёзувчи, шоир ва драматурглар бу улуг адибларнинг бадий адабиётдаги образларини, ибратли ҳаёт йўлини ўз асарлари мазмунига сингдириш пайди бўлади.

Адиблар хиббони — бу ям-яшил ва сўлим маскан зиёратига келган кимсаларга ижод ва ҳаётдан, Аму билан Сирдан, мезорлар боғлар ва улугвор тоғлардан сабоқ беради.

Зеро, Адиблар хиббони замона аҳлининг тасаввурига, ёшлар маънавияти ва қалбига адабий маърифат урғуларини сочади. Бу маънавият гўшаларининг ниҳоллари бугун гуллаб-яшнаб турибди, эртага эса ҳосил беради, албатта. Шоир айтмоқчи:

Юртдошим, боғингга бир ниҳол қада, Ниҳолинг номини яхшилик ата. Ниҳолинг ёнига бир гул экиб қўй, У гулнинг номини гўзаллик деб қўй, Гулу ниҳолинг бахш этиб аёйт, Сув қуй ва бу сувга меҳр деб қўй от. Сендан фарзандингга бог қолсин, эй дўст, Богинг БАТАН дея ном олсин, эй дўст!

Маънавият

Гуличеҳра ДУРДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Чўлпон ва турк адабий ҳаёти

Дунёда шундай инсонлар борки, улар билан суҳбатлашсанг кўнглинг ёришиб, ҳаётга бўлган муҳаббатинг, яшашига бўлган завқинг ошиб бораверади. Академик Наим Каримов биз яшаётган жамиятнинг илмий, зукко, машхур инсонларидан бўлса-да, жуда ҳам оддий, безор, куюнчак ва камтарин инсон. Яқинда кўнгирок қилиб: — Устоз, олдингизга бормоқчи эдим, — дедим. У киши нега келясиз, нима ишингиз бор, тинчликми ёки вақтим йўқ, демади: — Майли келаверинг, ишдаман.

Хонага кириб борар эканман, 90 ёшли академигимизнинг компьютер қаршисида ўтириб, нималарнидир ёзаётганига гувоҳ бўлдим. Мен билан кўришиб, секин сўради: — Яхшимисиз, ижодлар бўляптими, газета саҳифасида исми-фамилиянгиз кам кўринапти-ку? — Устоз, газетамизнинг ҳар бир сонини ўқиб бора-сизми? — Албатта. “Янги Ўзбекистон” яхши мавзуларни ёритапти. Ҳар кунни ўқиб, кузатиб бораман. — Устоз, сиз билан “Чўлпон” романингиз ва унинг турк тилидаги таржимаси ҳақида суҳбатлашиб, мақола ёзмакчи эдим, — дедим. Домла менга қараб: “Майли, фақат интервью тарзидамас, мақолани ўзингиз ёзасиз, китоб, унга боғлиқ тарихий воқеалар ва таржимаси ҳақида айтиб бераман”, деди.

Халқимиз миллий уйғониш даври адабиётининг буюк намоёндаларидан бири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпонни қандай эъзозласа, қардош турк халқи ҳам уни шундай севиб, ардоқлаб келади. Мухтассисларнинг таъкидлашича, бу юртдаги барча адабий, илмий-маърифий нашрлар саҳифаларида Чўлпон асарлари ёки унинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги мақолалар доимий тарзда чоп этилади.

Ўтган йил Туркияда “Чўлпон йили” дея аталгани, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, филология фанлари доктори, академик Наим Каримовнинг “Чўлпон” биографик романининг турк тилида нашр этилиши қардош мамлакатнинг маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Наим акадан китобнинг чоп этилиши ва ундаги воқеалар тафсилотини тинглар эканман, домланинг кўзларидаги ёш томчиларини кўриб, бир юртнинг фидойи ижодкори бўлса шунчалар бўлади-да, ҳар бир сўзини қалбдан ҳис этиб, юрак қўри билан ёзади, деган ҳаёлга бордим.

Олимнинг айтишича, 1938 йилнинг 4 октябрь кунини НКВДнинг Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги қатлгоҳларидан бирида ўзбек халқининг Чўлпон, Фитрат ва Абдулла Қодирий сингари улуг фарзандлари “халқ душманлари” сифатида отиб ташланган. Бу совет давлатининг ўзбек халқи ва маданияти олдидаги катта жинояти эди...

Ўша машъум санани ўзбеклар билан бирга турк халқи ҳам Шарқ маданияти тарихидаги энг фожиали кунлардан бири сифатида ёд этди. Қатагон қурбонлари хотирасига бағишланган катта тадбир ўтказилиб, унда Чўлпон ва сафдошларининг маърифатпарварлик, ватанпарварлик, эрксеварлик йўлидаги фаолияти катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинди. Улар ижодий мероси бугун Ўзбекистонда эсаётган Ренессанс шабадаларининг куч олишида муҳим намоён бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Туркияда бўлиб ўтган воқеалар ўша куннинг ўзида ОАВда кенг ёритилди.

— Ўзбек шоирининг Туркиядаги мухлислари бир неча йилдан буён турк шаҳарларидан бирида Чўлпонга ҳайкал ўрнатишни орозулаб келади, — дейди Наим Каримов. — Тегишли ташкилотлар ва ижодий гуруҳлар айнан шу кунни Анқарада улуг ўзбек шоири ҳайкалини ўрнатиш масаласи бўйича музокаралар олиб борди. Музокаралар натижасида Анқара шаҳрининг Этимэсгүт туманидаги тарихий боғларнинг бирида Чўлпон ҳайкалини ўрнатишга келишиб олинди. Ушбу боғда Ўзбекистондаги қатагон қурбонлари хотираси ва адабий меросига бағишланган маърифий кечалар ўтказилиши кўзда тутилди. Бундай хайрли тадбирлар ўзбек ва турк халқларининг янада яқинлашиши, улар ўртасидаги маданий алоқалар мустақамланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Наим Каримов нафақат мактаб, ҳатто олий ўқув юр-



ганини, ҳатто Чўлпон билан Москвада яшаган вақтида адибнинг иккинчи китобдаги айрим эпизодларни унга ўқиб берганини айтиб берган. Бу парчаларга қараганда, — деган у. — Мирёкуб Москвадан Боғчасаройга йўл олиб, у ерда И.Гаспринский билан танишади ва унинг таъсирида ҳадидчилик гоғлари билан шуғулланади.

Энди аниқки, романинг “Кундуз” деб аталган қисми ёзилга бошланган. Тинтув пайтида олиб кетилган ашёрлар орасида “туғалланмаган асар” сифатида рўйхатга киритилган кўлёма, Н.Каримовнинг айтишича, “Кеча ва кундуз”нинг иккинчи, туғалланмаган қисмидир.

Асарнинг яратилишида архив ҳужжатлари билан бирга замондошлар хотиралари ҳам муҳим аҳамиятга молик бўлган. “Лекин ҳамма гап шундаки, — дейди Наим ака, — замондошларнинг хотираларига ҳам, архив ҳужжатларига ҳам тўла ишониб бўлмайди. Ҳар бир тарихий факт ва ҳар бир ҳаётий воқеани қиёсий ўрганиб, тарихий ҳақиқатга яқин ва мантикий асосга эга факт ва воқеадангина фойдаланиш мумкин”.

“Чўлпон” биографик романи оsonлик билан дунёга келмаган. Муаллиф уйқусиз тунларининг тонларига улашиб кетиши, ҳар бир воқеани диққат билан эшитиб, ўрганиб чиқиши, сарғайиб кетган қоғозларни саатлаб титқилаши, узоқ-яқин, таниш-нотаниш инсонларнинг Чўлпонга алоқадор ҳар бир сўзини ҳижолаб ёзиб олиши, энг асосийси, миллиати учун жонини фидо қилган адиб асарларини эринмай ҳар бир сўзигача ёд олишининг ўзи аслида буюк бир фидойилиқдир!

Энг муҳими шундаки, Наим Каримов илмий ва ижодий ҳаёти давомида Суфизода, Усмон Носир, Миртемир, қатагон даври буронларидан омон чиққан Ойбек, Ҳамид Олимжон ва Зулфия тўғрисида ҳам жуда ажойиб ва ўлмас асарлар ёзган ва ҳамон ёзишда давом этмоқда.

“Чўлпон” биографик романининг турк тилига таржима қилиниши, бир томондан, турк халқида қардош ўзбек халқининг Чўлпондек улуг фарзандлари билан яқиндан танишиш истаги борлигини аналгласа, иккинчи томондан, турк адабиётидаги шундай асарларнинг ўзбек тилига, ўзбек тилидаги шундай асарларнинг эса турк тилига таржима қилиниши тарихий, адабий ва маънавий илдишлари муштарак икки халқнинг янада яқинлашишида муҳим омил бўлади, деб умид қиламиз.

Ҳажман каттагина, яъни 498 бетлик асарни турк тилига таржима қилган Шойил Қоракўш ўзбек адабиётининг Туркиядаги энг яқин дўстларидан биридир.

Наим Каримов билан бўлиб ўтган суҳбатимизда яна шунга амин бўлдимки, бу тиниб-тинчимас фидойи инсон юртимизда бўлаётган ҳар бир воқеа-ҳодисага шунчаки қарамайди, шунчаки эшитмайди.

— Дарвоқе, ўтган йил сентябрь-октябрь ойларида Анқарада бўлиб ўтган йилларда ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларнинг мустақамланишига хизмат қилувчи яна бир неча масала муҳокама қилинган, сизнинг улардан хабарингиз бор-а? — дея менга савол берди-да, жавобимни ҳам кутмай, бармоғини букиб, бирма-бир санай бошлади Наим ака: биринчидан, Туркия Маданият ва туризм вазирлиги Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчихонаси билан ҳамкорликда “Ўзбекистон” (ишчи номи) деган китобни нашрга тайёрламоқда. Ундан ҳадид маърифатпарварларнинг ҳаёти, фаолияти ва адабий меросига оид мақола ва материаллар ўрин олади. Иккинчидан, Туркиянинг Қарабуюк университетидида ҳар йили чоп этиладиган тўпламнинг Ўзбекистонга бағишланган сони нашрга тайёрланади. Китобнинг Туркиядаги архив ва кутубхоналарга тарқатилишига қараганда, ундан Туркия учун ҳам ноёб ва қимматбаҳо материаллар ўрин олади. Бу хайрли режаларнинг амалга ошиши ҳеч кимда асло шубҳа уйғотмайди...

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Туркияда Чўлпон шахсига бўлган қизиқиш, шунингдек, “Чўлпон” романининг турк тилига таржима қилиниши турк адабий ҳаётида Ўзбекистонга, ўзбек адабиётига қизиқиш катта эканидан далолатдир ва бу икки қардош халқ адабиётларини янада яқинлаштиришга хизмат қилади.